



ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

3-жилд

**АЛБАНИЯ –
– АЪРОФ СУРАСИ**

**Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси нашриёти
Тошкент – 2025**

УЎК: 28(031)
КБК 86.38я2
И 80

И 80 Ислом энциклопедияси [Матн] / – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025. – 492 б.

Энциклопедияда Ислом арконлари, шаръий қонун-қоидалар, муқаддас қадам-жолар ва масканлар, машҳур масжидлар ва мадрасалар, ушбу диннинг тарқалиши ва равнақига улкан ҳисса қўшган буюк шахслар, жумладан, саҳоба ва тобеъинлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мутасаввиф ва азиз-авлиёлар, Қуръон ва ҳадис ҳофизлари, таниқли уламолар ҳақида алифбо тартибида тизимли мақолалар берилган. Шунингдек, илмий-иждодий ҳамда маънавий-маърифий фаолияти жамоатчиликка номаълум бўлган алоҳида шахслар тўғрисидаги қимматли маълумотлар илмий муомалага киритилмоқда.

Ушбу энциклопедия кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 28(031)
КБК 86.38я2

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 14.07.2025 санадаги 03-07/4198-сон.плш
хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9910-930-94-2

© «Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025

носих (ўрнига келган) ҳукмлар тўғрисида; «ал-ВалӢ ва-л-ўитқ» – қулларни озод қилиш ва насаб масалалари ҳақида Имом Аҳмаднинг қарашларини ўзида жамлаган асар.

Ад.: Кахҳола. Муъжам ал-муаллифӢн. II, 167; аз-Заҳабий. Тазкира ал-хуффаъ. II, 570-572; Ибн Абу Ҳотим. ал-Жарҳ ва-т-таъдӢл. II, 72; ал-Хатиб ал-Бағдодий. ТарӢх БағдӢд. V, 110-112; Ali Osman Koçkuzu. «Esrem». TDV İA. – İstanbul: 1995. XI, 436.

Аъзамхон Абдурахмонов

АСРӢР ал-БАЛӢҒА


أسرار البلاغة

Балоғат илмига оид асар

Муаллифи – Абдулқоҳир ал-Журжоний (ваф. 471/1078). Асар балоғат илмининг баён қисмига оид. Ҳиж. 4-а. нинг охирида ёзилган араб тили ва адабиётига оид асарларда балоғат масалаларига кўпроқ аҳамият берилган. Шу аснода, мазкур асар балоғат илмининг баён (ифода) қисми ҳақида маълумот бериш ва уни ўзига хос мантиқий ва фалсафий асосга қуриш мақсадида ёзилган муҳим асарлардан бири ҳисобланади.

Муаллиф асарда фойдаланган манбаларни аниқ кўрсатмаган бўлса-да, Басра наҳв илми мактабининг асосчиси Сибавайҳ (ваф. 180/796), араб тили ва адабиётининг етук намояндалари ал-Жоҳиз (ваф. 255/869), ал-Мубаррад (ваф. 286/900), Ҳасан ибн Бишр ал-Омидий (ваф. 371/981), Абу Ҳилол ал-Аскарӣй (ваф. тахм. 400/1009), Басра мактабига мансуб машҳур наҳв олимӣ Абу Али ал-Форисӣй (ваф. 377/987) каби олимлардан иқтибослар келтирган. Шу б-н бирга, муаллиф жаҳолат ҳамда Ислом даврида яшаган шоирларнинг кўплаб байтларидан ҳам иқтибослар келтирган.

А.ал-Б.да асосан балоғатнинг баён қисмига оид мавзулар – ташбеҳ (ўхшатиш), истиъора (мажозий маъно), мажоз, тамсил ва киноя каби масалалар б-н бирга бадӣъ қисмига тегишли бўлган жинос, сажъ ва татбиқ каби мавзулар ҳам баён қилинган. Муаллиф замонасидаги адабий танқид ва балоғат тушунчасини таҳлил қилар экан, бу борада ҳақиқий илмий тафаккур етишмаслигини ва бадӣй санъатлар асосини ташкил қилувчи масалалардаги камчиликлардан шикоят қилади. Шу йўсинда у субъектив ҳамда объектив жиҳатларни қамраб олувчи янги бир илм соҳаси – баён илмининг асосларини тузади. А.ал-Б. асари муаллифнинг «ДалӢл ал-иъжӢъ» асаридаги каби бир режага асосланмаган ҳолда ёзлиши баъзи такрор ва аралашмаларга сабаб бўлган.



Абдулқоҳир ал-Журжоний. «АсрӢр ал-балӢҒа» асари. Маҳмуд Муҳаммад Шокир нашри. Қоҳира (1991 й.)

А.ал-Б. Рашид Ризо (1320/1902), Аҳмад Мустафо ал-Мароғӣй (1367/1948), Муҳаммад Абдулмунъим ал-Ҳафожӣй

(1972) томонларидан Қоҳирада ҳамда Х.Риттер томонидан инглиз тилида (1954) Истанбулда нашр қилинган.

Ад.: Аҳмад Матлуб. Абдулқадир ал-Журжани. – Байрут: 1393/1973. 37-40; Celil-i Teclil. «'Abdülkâhîr-i Cürânî ve Esrârü'l-belâga-i Ū», Neşriyye-i Dânişgede-i Edebiyyât ve 'Ulûm-i İnsânî. № 95-96. – Tebriz: 1349. 471-490; Hulûsi Kılıç. «Esrârü'l-belâga». TDV İA. – İstanbul: 1995. XI, 435. А.В. Гафуров. «Асрор-ул-балоға»-и Абдулқодир Чирқонӣ ҳамчун сарчашмаи илмӣ-адабӣ // Номан донишгоҳ/scientific notes. № 2(47) 2016. 118-125.

Достон Мустафоев

АСРИ САОДАТ

عصر السعادة
(қ. САОДАТ АСРИ)

АСР НАМОЗИ

صلوة العصر

Муслмонлар учун фарз қилинган беш вақт намознинг учинчиси. Ушбу намоз тўрт рақъат фарз бўлиб, ҳанафий мазҳабига кўра, вақти соянинг икки баробар узайишидан то қуёш ботгунгача тўғри келади. Нарсалар сояси завол соясидан ташқари ўзига икки баробар ёки, кўпчилик уламо-ларга кўра, бир баробар бўлганида киради. А.Н.дан олдин 4 рақъат нафл ўқиш мустаҳаб саналади. Бу 4 рақъат ва хуфтоннинг фарзидан олдинги суннат ғайри муаккад суннатлардир. А.Н. вақтида бандалар амалини ёзувчи фаришталар алмашганлари учун бу намозни ўқишга кучли тарғиб қилинган.

Мас., Абу Бакр ибн Умора (р.а.) отасидан ривоят қилади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг «Қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин намоз ўқиган – яъни бомдод ва асрни – бирор киши дўзахга кирмайди», деганларини эшитганман.

Басралик бир киши унга (Уморага): «Сен бунӣ Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ўзинг эшитганмисан?» деб сўраганида, у: «Ҳа», деб жавоб беради. Бояги киши: «Мен ҳам гувоҳлик бераманки, бунӣ Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман, икки қулоғим билан эшитиб, қалбимга жо қилганман», деди» (Имом Муслим ривояти).

Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»ида бу намозга алоҳида тўрт боб ажратиб, уларни қуйидагича номлаган: «Асрни эрта ўқиш мустаҳаблиги», «Аср намозини ўтказиб юборишнинг қаттиқ олингани», «Ўрта намоз – Аср намозидир деганларнинг далили» ва «Бомдод ва Аср намозларининг фазли ҳамда уларни муҳофаза қилиш».

А.Н. ҳам бошқа намозлар каби меърож воқеасида фарз бўлган.

Ад.: Имом Муслим. Саҳиҳи Муслим // Олтин силсила (1299-ҳадис). – Т.: «Hilol-nashr», 2020. II, 111-122; Ислом. Энциклопедия. – Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2017. 69.

Озодбек Алимов

АСРОРНОМА

أسرارنامه

Тасаввуфий асар

Муаллифи – Фариуддин Аттор (ваф. 618/1221 й.).

Фариуддин Атторнинг тўртта машхур маснавийси бўлиб, «Асрорнома» улардан биридир. Давлатшоҳ Самарқандий таъкидига кўра, Шайх Аттор Баҳоуддин Валад б-н учрашган пайтда унинг ёш ўғли Жалолуддинга ушбу асарни тақдим этган. Бу ҳикоятнинг мазмунидан Жалолуддин Румий ижодига А. асари сезиларли таъсир кўрсатганини англаш мумкин.

А. тасаввуфий қарашлар б-н суғорилган бўлиб, асар йигирма олти мақолатдан (бобдан) иборат. Ҳар бир